

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТЕМИР ЙЎЛ СОҲАСИ ТЕРМИНОЛАРИ ТАДҚИҚИ

*Аякулов Нурбек Абдуганпоров ўғли (PhD),  
Гулистон давлат педагогика институти  
илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори  
Уматалиева Зилола Қодиржон қизи  
Наманган давлат университети 2-босқич магистранти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада биз махсус мақсадли тилнинг лексик таркиби, соҳа терминологиясидаги ўрни, лингвистик хусусиятларини муҳокама қиламиз. Агар умумий луғатда бу терминлар кетма-кет берилган бўлса, махсус луғатда улар ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай қилиб, бир сўз бир маънога эга бўлганда, терминларга қўйиладиган талаб сифатида ҳар доим бир маънолилиқ ажратиб кўрсатилган. Демак, терминнинг полисемантик алоқалари тилшуноликда муҳим аҳамиятга эга. Терминологик бирликларнинг замонавий тадқиқотлари амалда вазият бошқача эканлигини кўрсатади. Муайян билим соҳаларида лексик бирликларнинг доимий равишда тўлдирилиши ва янгиланиши мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда умумий лексика ривожланишидан олдин луғатни тўлдириш ва кенгайтириш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

**Калит сўзлар:** *термин, синонимия, антонимия, полисемия, лексика, лингвистик тадқиқотлар, терминологик бирликлар.*

**Аннотация:** В данной статье мы обсуждаем лексический состав языка специального назначения, его место в терминологии отрасли, лингвистические особенности. Если в общем словаре эти термины даны последовательно, то в специальном словаре они имеют свои особенности. Таким образом, когда слово имеет единственное значение, однозначность всегда выделяется как требование к терминам. Итак, многозначные отношения термина важны в языкознании. Современные исследования терминологических единиц показывают, что на практике дело обстоит иначе. Происходит постоянное пополнение и обновление лексических единиц в отдельных областях знаний, что в большинстве случаев создает необходимость пополнения и расширения словарного запаса до освоения общей лексики.

**Ключевые слова:** *термин, синонимия, антонимия, полисемия, лексика, лингвистическое исследование, терминологические единицы.*

**Annotation:** In this article, we discuss the lexical structure of the special purpose language, its place in the terminology of the field, linguistic features. If in the general dictionary these terms are given in sequence, in the special dictionary they have their

own characteristics. Thus, when a word has a single meaning, unambiguity is always singled out as a requirement for terms. So, the polysemantic relations of the term are important in linguistics. Modern studies of terminological units show that in practice the situation is different. There is a constant replenishment and renewal of lexical units in certain fields of knowledge, which in most cases creates the need to fill and expand the vocabulary before the development of the general lexicon.

**Key words:** *term, synonymy, antonymy, polysemy, lexicon, linguistic research, terminological units.*

Терминология адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шаклларга эга бўлган, илмий ва ишлаб чиқариш-техника соҳасидаги мутахассисларнинг нутқ амалиётига хизмат қилувчи қуйи тизимларидан бирини тадқиқ қилади<sup>1</sup>. Адабий тилнинг ушбу қуйи тизими кўплаб илмий услуб, илмий-техник услуб, ишлаб чиқариш услубияти, саноат тили, соҳавий тил, техник тил ва б. шу каби тушунчаларни қамраб олади. Сўнгги йилларда “муайян мақсадлар қаратилган тил” бирикмаси термин сифатида барча соҳалар, хусусан, инвестиция терминологиясига бағишланган тадқиқотларда фаол қўлланила бошади. Тилшунослар, жумладан, терминологлар томонидан фаол қўлланиладиган “муайян мақсадлар қаратилган тил” (кейинги ўринларда - МҚТ) тушунчаси ўз тарихига эга.

Дастлаб, ушбу термин инглиз тилини чет тили сифатида ўқитиш бўйича бир қатор конференцияларга бағишланган халқаро илмий мулоқотга хизмат қилувчи инглиз тили вариантларидан бири сифатида қабул қилинган эди. Жаҳон тилшунослигида умумий тил қуйи тизими, яъни, муайян мақсадлар қаратилган тил тушунчасининг ривожланиши ўзоқ тарихга эга. Ҳозирда ҳам муайян мақсадларга қаратилган тил тушунчаси кўплаб илмий тадқиқотлар ҳали ҳам турлича ифодаланишини кузатишимиз мумкин. Масалан: *илмий нутқ, илмий тақдимот услуби, илмий услуб, соҳавий тил, махсус тил, илмий-техник услуб, илмий-техник тил, илмий тил* ва б.

Тилнинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида муайян мақсадларга қаратилган тил мулоқотда қуйидаги функцияларни бажаради:

1. *коммуникативлик функцияси* – соҳага оид ахборотларни узатишда намоён бўлади;
2. *когнитив функцияси* – инсоннинг тил ёрдамида теварак-атрофдаги воқеликни билиш ва ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш жараёнида намоён бўлади;
3. *информативлик функцияси* – инсоният томонидан тўпланган тажрибани сақлаш ва узатиш жараёнида намоён бўлади. Муайян мақсадларга қаратилган

<sup>1</sup> Сложеникина Ю.В. Терминологическая лексика в общеязыковой системе. – Самара: Изд-во СамГПУ, 2003. – С. - 5.

тилнинг юқорида келтирилган функциялари инвестиция соҳасига оид терминологияни тадқиқ қилишда ҳам самарали ҳисобланади. Бинобарин ҳар бир соҳада бўлгани каби инвестиция соҳасида ҳам ўзига хос мураккаб терминлар мавжуд бўлиб, уларни соҳа кесимида ўзаро кичик гуруҳларга ажратиб ўрганиш, функционал-семантик, стилистик ва таржима жиҳатларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Муайян мақсадларга қаратилган замонавий тилнинг ривожланиши (МҚТ) кўп тилли луғатнинг ўзаро таъсири билан тавсифланади. Бинобарин, МҚТнинг лексик тизими ва унинг таркибий қисмлари – лексик воситалари алоҳида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг чегараларини ажратиб олиш ва тавсифлаш масаласига ўнлаб, балки юзлаб тадқиқотлар бағишланган.

Муайян мақсадларга қаратилган тил биринчи навбатда алоҳида соҳа тили сифатида шакллангани учун муайян соҳавий лексикасига эга бўлиши лозим. Нафақат инглиз ва ўзбек балки ҳар бир тилнинг марказий бирлиги сўз бўлиб, уни соҳалар кесимида ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Муайян МҚТга ёки соҳавий терминологияга оид лексик birlikлар ҳақида, тадқиқотчилар ҳозирда муайян қараш ёки назарияга эга эмаслар. Шунинг учун лексик воситаларнинг умумий қабул қилинган таснифи, хусусиятлари ва типологияси ҳали-хануз мавжуд эмас ва ноаниқ масалалардан биридир.

С.В. Гринев 1993 йилда термин тушунчаси билан боғлиқ бўлган иккита қарашни илгари сурди. Биринчи қарашга кўра, кўплаб тадқиқотчилар (улар орасида С.В. Гринев В.П. Даниленко ҳам бор) соҳавий термин умумий сўзга айланиб бормоқда деб ҳисоблашади. Иккинчи қараш тарафдорлари (улар учун, хусусан, С.В. Гринев Н.Ф. Яковлевга ишора қилади) тил ривожланиши жараёнидаги ҳар қандай соҳавий терминлар кундалик ишлатиладиган фаол сўзларга айланади деб ҳисоблашади<sup>2</sup>.

Ҳозирги вақтда инвестиция терминларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Биринчиси, инвестиция соҳасига оид терминларнинг бир маъноли бўлиши, уларнинг семантикаси ва инвестицияга оид мавзуда қўлланилишининг қатъий чегараларига эга бўлиши лозим. Бинобарин, инвестиция терминлари инглиз ва ўзбек тилларида миллий тил луғатидаги жуда кичик сўзлар гуруҳи бўлиб, уларнинг қўлланиш соҳаси муайян чегаралари билан ажралиб туради ва терминларнинг маъноси фақат тор доирадаги мутахассисларга маълум бўлади.

<sup>2</sup> Гринев С.В. Введение в терминоведение. - М.: Московский лицей, 1993. – С. 27-29.

Масалан:

| <u>Инглиз тилида</u>    | <u>Ўзбек тилида</u>             |
|-------------------------|---------------------------------|
| <i>Asset Allocation</i> | Пул маблағларининг тақсимланиши |
| <i>broker</i>           | брокер                          |
| <i>Bull market</i>      | Қора бозор                      |
| <i>diversification</i>  | диверсификация                  |
| <i>dividend</i>         | Дивидент, фойда                 |
| <i>Eurobond</i>         | Европа облигациялари            |
| <i>Indexes</i>          | Индекс кўрсаткичлари            |

2. Инвестиция терминларининг иккинчи гуруҳни ҳар бир сўз (айниқса, от) термин вазифасини ўташи мумкинлиги, уларнинг ҳар бири муайян илмий билимлар тизимининг бир бўлаги эканлигини таъкидловчи тилшунос олимларнинг қарашларига асосланади десак муболаға бўлмайди. Унга кўра, миллий тилнинг луғат таркибини ташкил этувчи сўзларнинг полисемантик ва полифункционал эканлиги тан олинади. Масалан:

| <u>Инглиз тилида</u> | <u>Ўзбек тилида</u>        |
|----------------------|----------------------------|
| <i>Inflation</i>     | ойнадаги антенна           |
| <i>correlation</i>   | ўлиқ нуқта                 |
| <i>dealer</i>        | ўлиқ ҳудуд                 |
| <i>load</i>          | Зўриқиш, оғирлик, нагрузка |
| <i>bond</i>          | облигация                  |
| <i>option</i>        | опция                      |

3. Инвестиция терминларининг учинчи гуруҳига инглиз ва ўзбек тилларида икки хил вазифада қўлланиладиган бирликларни киртишни лозим топдик. Бунда инвестиция терминлари махсус соҳа терминологиясидан умумий лесиқага ўтади.

| <u>Инглиз тилида</u>           | <u>Ўзбек тилида</u>          |
|--------------------------------|------------------------------|
| <i>Portfolio</i>               | Инвестицион портфолио        |
| <i>Risk management process</i> | Хавф-хатарни баҳолаш жараёни |
| <i>Speculator</i>              | чайқовчи                     |
| <i>Security</i>                | Қимматбаҳо қозғоз            |
| <i>Yield Curve</i>             | Яширин фойда                 |

Ф. Уилрайт метафорани “**семантик ҳаракат**” деб ҳисоблайди ва ҳаракат ғояси “метафора” сўзида яширинлигини таъкидлайди. Чунки ушбу сўз маъносига киритилган *ҳаракат (фора)* айнан семантик ҳаракатдир – бу қўш

тушунча тасаввур ва бирикмада содир бўладиган, метафора жараёнининг моҳиятини билдирувчи тарғибот ҳаракати маъносини билдиради<sup>3</sup>. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, терминологиянинг шаклланиш даври учун метафорик ёки метонимик кўчиш жараёни одатий ҳолатдир.

Инвестиция соҳасига оид терминларни таҳлил қилиш натижасида соҳа терминологияси шаклланишининг дастлабки босқичида пайдо бўлган терминларнинг аксарияти метафорик хусусиятга эга бўлиб, биринчи навбатда инвестиция, паровоз ва вагон қурилишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган.

Ушбу метафорик хусусиятларни намоён этувчи темир йўл соҳасига оид терминларга мисол сифатида инглиз ва ўзбек тили терминологиясида қайд этилган қуйидаги терминларни санаб ўтишимиз мумкин: *railway bed* (темир йўл тўшаги), *rail foot* (темир йўл релси), *rail head* (темир йўлнинг бошланиши), *fish plate* (бириктирувчи новда ёки қўшма новда – иккита релсинг учига мурват билан боғланган металл новда, уларни йўлда бирлаштириш), *bed of ballast* (йўл балласти темир йўл ришталари (шпаллар) ётқизилган йўл йўлакчасини ҳосил қилади. У шпаллар орасидан, пастдан ва атрофидан ўралган бўлади. У темир йўл шпалларидан юкни кўтариш, сувни дренажлашни осонлаштириш, шунингдек, йўл тузилишига халақит берадиган ўсимликларни ушлаб туриш учун ишлатилади), *plate-nail* (мих-парчин), *boiler body* (қозонхона), *boiler breathing* (қозон буғи), *boiler coat* (ўт ёқувчининг махсус кийими), *boiler cradle* (қозон турувчи вагон), *boiler foot* (қозонхона ғилдираги), *boiler head* (қозонхона бош қисми), *boiler seat* (қозонхона ўриндиғи), *boiler jacket* (ўт ёқувчининг махсус кийими), *boiler shell* (қозонхона қобиғи), *steam box* (буғ қутиси), *steam chest* (буғ қафаси - буғни йиғиш учун "резервуар"дир, чунки у супер қиздиргич ва цилиндрга кириш порти ўртасидан ўтади), *steam lap* (буғ ўчоғи, ҳалқаси), *ashpan* (ювиш частотасини кўрсатувчи буғ локомотив плитаси), *car body* (поезд танаси, вағони) ва б.

Темир йўл терминологиясига киритилган термин-метафораларнинг салмоқли қисмини семантик кўчиш асосида шаклланган умумий техник терминлар ташкил этди. Масалан, инглиз темир йўл терминологиясида: *body, foot, head, flow, arm, bed, ring, nose, shoulder, knee, sleeve, dog, field, spring, axle, threshold, eye, twin, branch, jacket, point, chain* ва б. Ўзбек тили темир йўл терминологиясида эса *таглик* (поддон), *сирга, елка, енг, остона* (поездга кириш қисми), *кўздан кечирши тешиги* (глазок), *занжир, корпус, профил, боши, гилоф, ёстиқ, барабан, тиш, тизза* ва б. Юқоридаги келтирилган барча терминлар

<sup>3</sup> Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры // Теория метафоры. - М.: Прогресс, 1990. - С. 358-386.

турли терминологик тизимларда турли маъноларда қўлланилади ҳамда фанлараро омонимларга мисол бўлади.

Фан ва техника терминологиясидаги когниция жараёнида пайдо бўлган термин-метафоралар теварак-атрофдаги олам нарса ва ҳодисалари ўртасида муайян мураккаб ассоциатив алоқаларнинг ўрнатилиши, мураккаб когниция жараёни натижасида вужудга келади. Термин яратувчилари ҳам, фойдаланувчилар ҳам метафорадаги воқеликнинг моҳиятини англаган ҳолда когнитив фаолиятни амалга оширадilar. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, агар кўп терминларда, масалан, *body* (корпус), *foot* (товон) каби бошланғич ассоциация бир маъноли бўлса, умумий луғат асосида тузилган терминларда – инг. *head* ва ўзб. бош - инглиз ва ўзбек терминологиясида турли хил ассоциацияларни ҳосил қилди. Бинобарин, *bow/head* нарсанинг юқори қисмини, олд қисмини ёки объектнинг юмалоқ шакли маъносида қўлланиши мумкин. Қуйида таққослаш учун бошқа бир нечта мисолларни келтирамыз:

|                    | <u>Инглиз тили</u>       | <u>Ўзбек тили</u>                           |
|--------------------|--------------------------|---------------------------------------------|
| <b>Бош</b>         | <i>rail head</i>         | рельс боши                                  |
|                    | <i>coupler head</i>      | бириктирувчи бош (вагон қўшилиши механизми) |
|                    | <i>coupling head</i>     | вагонлараро бириктирувчи каллак             |
|                    | <i>break head</i>        | тўхтатувчи каллак                           |
| <b>Олд қисм</b>    | <i>head block</i>        | Бош блок-участка                            |
|                    | <i>head car</i>          | бош вагон                                   |
|                    | <i>head of the train</i> | поезда боши                                 |
| <b>Юмалоқ шакл</b> | <i>buffer head</i>       | буфер тарелкаси                             |

Юқорида айтиб ўтилганидек, терминларни шакллантирадиган *ташқи шакл ўхшашлиги* ва *функцияларнинг ўхшашлиги* каби иккита асосий турдаги ассоциациялари мавжуд. Функцияларнинг ўхшашлигидан келиб чиқадиган ассоциациялар бирмунча мураккаброқ ҳисобланади. Чунки улар нафақат кундалик предметлар, ҳақиқатлар ва илмий билимлар объектлари ўртасидаги ташқи ўхшашликни, балки, таққосланган ҳодисаларнинг моҳиятига кириб боришни ҳам талаб қилади.

Оддийроқ ассоциация туфайли темир йўл транспортининг аксарият термин-метафоралари ташқи шакл ўхшашлигидаги хусусиятлари аналогияси асосида яратилган.

**Инглиз тили:** *fish plate, tooth tip, ribbon conductor, box car, pole foot, tooth gear, break head* ва б. **Ўзбек тили:** *тош, тишли узатма, релсли темир йўл, кишан, темир қўл таёқчаси, кранк мили (кранкшафт), кесишма, тормоз каллаги, туннел қазувчи қалқон, икки бошли релс ёстиғи* ва б.

Ўзбек тилидаги вазифасига кўра ўхшашлиги бор қуйидаги терминларни мисол қилиш мумкин:

- **йўлни ўзгартириш** – темир йўл йўлининг йўл ўлчагичини ўзгартириш бўйича ишлар мажмуини кўрсатиш;
- **поездларни кесиб ўтиш** – бир йўлли темир йўл станциясида поездларнинг қарама-қарши ҳаракатланиш жараёни;
- **йўлни ўзлаштириш** – ўтаётган поезд ғилдираклари остида релсларнинг узунламасига ҳаракатланиши;
- **маршрутни белгилаш** – маршрут режасида кўзда тутилган, бошқа поездларга вагонлар гуруҳлари киритилган ва тушириш станциясига эргашадиган тегишли техник станциялардан бирида жўнатиш маршрутини тарқатиб юбориш ва бошқалар.

Тадқиқот материалларидаги мисоллар шуни кўрсатдики, метафорик номларнинг йирик қисми тизимли, яъни темир йўл транспорти соҳаси терминологияси термин ва тушунчаларининг тур-жинс иерархиясига осонгина мос келади. Масалан инглиз тилидаги *freight yard; flat yard; departure yard, service yard; sorting yard, marshalling yard; switching yard; repair yard, hold yard* каби терминлар **yard** термини билн тур-жинс муносабатлари асосида шаклланган.

Инглизча **yard** термини ўзбек тили темир йўл терминологиясидаги *тақсимлаш станцияси* ва *парк, майдон* терминларига мос деб ҳисоблаймиз. Ушбу метафоралар асосида қуйидаги юклаш парки (майдони), йўл парки, жўнаш/жўнатиш парки, тўхташ парки, тепаликсиз саралаш парки, тепалик ости саралаш майдони, қабул қилиш ва жўнатиш станцияси ва б. шу каби ўзига хос терминлар шаклланган, назаримизда.

Таъкидлаш жоизки, метафора умумий тушунчани конкретлаштирувчи ва ривожлантирувчи хусусият эга бўлса, полилексемали термин-метафоралари ҳам метафорик бўлмаган умумий термин асосида ҳосил бўлади. Масалан, *coupling circuit* ('алоқа ҳалқаси'), *dead circuit* ('топшириш линияси'), *feed circuit* ('қувват занжири'), *live circuit* ('кучланиш ости занжири'), *voice circuit* ('овоз занжири'), *pilot circuit* ('бошқарув занжири'), *plate circuit* ('яҳлит алоқа занжири'), *ring circuit* ('ҳалқали занжир'), *forked circuit* ('тармоқли занжир'), *branch circuit* ('параллел занжир', 'тармоқланиш'), *earth circuit* ('ерга уланган занжир'), *diamond circuit* ('кўприк ўтказувчи занжир'), *killer circuit* ('импульсни шакллантириш схемасини блокировка қилиш'), *tail circuit* ('тармоқдан чиқиш').

Юқорида қайд этилган лексик бирликлар умумий терминлар бўлиб, уларни “circuit” умумий термини билан тур-жинс муносабатлари орқали осонгина боғланганлигини кузатишимиз мумкин. Юқоридаги барча терминлар аниқ илмий таърифга эга бўлиб, темир йўл терминологиясининг таркибий қисмини ташкил этади ва табиий равишда тизимли антонимик (dead circuit – live circuit) ва тизимнинг бошқа бирликлари билан синонимик муносабатларни шакллантиради. Масалан: *feed circuit – supply circuit – power circuit; sorting yard – marshalling yard – switching yard*.

Хулоса қилиб айтганда юқорида таҳлилга тортилган инвестиция ҳамда темир йўл соҳасига оид терминлар соҳалараро терминологияда муайян тушунмовчиликларга сабаб бўлмасада, умумий тилда муайян қийинчиликларга сабаб бўлади. Муайян мақсадларга йўналтирилган тил доирасида инвестиция ҳамда темир йўл соҳасига оид терминларни таҳлил қилиш эса тилшунослар учун самарали ҳисобланади. Бинобарин, мураккаб терминлар таржимонларга ҳам бир қанча қийинчиликларга ва икки тил ўртасидаги мулоқот ғализликларига сабаб бўлади, назаримизда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bonono, R. (2000). Terminology for Translators – An Implementation of ISO 12620. Meta. Vol. 45, v 4. 646–669.
2. Гвишиани Н.Б. Язык научного общения (вопросы методологии). – М.: Высшая школа, 1986. – 280 с.
3. Гринев С.В. Введение в терминоведение. - М.: Московский лицей, 1993. – С. 27-29.
4. Даниленко В.П. Русская терминология: опыт лингвистического описания - М.: Наука, 1977. с. 83-87
5. Комарова А.И. Язык для специальных целей (LSP): теория и метод. – М.: МАЛП, 1996. – С. – 12.
6. Кудашев И.С. Проектирование переводческих словарей специальной лексики. – Helsinki: Helsinki University Translation Studies, Monographs 3, 2007. – С. – 74.
7. Маккормак Э. Когнитивная теория метафоры // Теория метафоры. - М.: Прогресс, 1990. - С. 358-386.
8. Сложеникина Ю.В. Терминологическая лексика в общезыковой системе. – Самара: Изд-во СамГПУ, 2003. – С. - 5.